Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil 28-iyun, seshanba
№ 77 (3738)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

# Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни — юртимиздаги барча журналистлар, телерадио, нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Сизларнинг бу йилги касб байрамингиз Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги давр — ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтаётгани чуқур маъно-мазмунга эга, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилиб, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон турмуш ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуришдек беқиёс имконият яратиб берган мустақиллигимизнинг қандай ноёб, олий ва бебаҳо неъмат эканини эл-юртимизнинг онгу тафаккурига сингдиришда, истиқлолимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий матбуотимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз яхши биламиз ва сизларнинг бу олижаноб хизматингизни юксак қадрлаймиз.

Бу йилги мустақиллик байрамининг бош ғояси сифатида танланган **«Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!»** деган сўзлар замирида қандай теран маъно мужассам эканини сиз, азизлар яхши тушунасиз, албатта.

Бугунги қутлуғ айёмда Ватан учун жон фидо қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган, миллий матбуотимизга асос солиб, мустабид тузумнинг тазйиқ ва таъқибларига қарамасдан, «Маслак ва мақсадимиз — халқ манфаатига хизмат этмак» деган эзгу ғоя йўлида бутун борлиғини бағишлаган маърифатпарвар боболаримизнинг руҳи покларини, соҳа фахрийларининг номларини ҳурмат-эҳтиром билан эсга олишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Барчангизга яхши маълум, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан олиб борилмоқда.

Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охирги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Муҳтарам дўстлар!

Тез суръатлар билан ўзгариб, олдимизга бир-биридан ўткир ва долзарб саволларни қўяётган ҳозирги мураккаб замонда, жаҳон миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, информацион хуружлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир вазиятда халқимиз, айниқса, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, ростни ёлғондан ажратишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб, воқеликка дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват этишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги байрам муносабати билан бўладиган учрашувлар, суҳбат ва мулоқотларда ижодий жамоалар ва умуман, миллий журналистикамиз фаолиятини танқидий сарҳисоб қилиб, янги режалар, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритишимиз табиий, албатта.

Шу борада юксак касб маҳоратига эга журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб турибди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни туб моҳияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга холисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркор.

Бунинг учун, аввало, замон талабларига жавоб берадиган журналист кадрларни тайёрлаш, тегишли олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, таълим жараёнига энг илғор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Шулар қаторида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли нашрлар ва медиакомпаниялар билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда сўз борар экан, кейинги йилларда соҳа вакилларининг 700 нафарга яқини чет элларда малака ошириб келганини ижобий баҳолаб, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бугунги глобаллашув замонида, интернет асрида ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқлиги, бу соҳада қандайдир «темир девор» қуриб бўлмаслигини кимгадир тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Жаҳон ахборот маконидаги бундай мислсиз интеграция жараёнлари бугунги юксак тараққиёт учун беқиёс имкониятлар очиб бераётганини эътироф этган ҳолда, ахборот оқими орқали афсуски, турли бузғунчи ғоялар, «оммавий маданият» кўринишлари ҳам ҳаётимизга кириб келаётганини инкор этиб бўлмайди. Улар ёшларимизнинг онги ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, маънавий қадриятларимизга, авлодлар ўртасидаги ворисийлик анъаналарига написанд қараш каби ҳолатлар ҳам ён-атрофимизда учраб туриши барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Шу ўринда бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтишга тўғри келади: маънавиятни асраш — инсонни, аввало ёш авлодимизни, келажагимизни асраш демакдир. Шундай экан, бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган бундай хавф-хатарларга қарши курашиш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, муҳтарам оммавий ахборот воситалари ходимлари фикрга қарши — фикр, ғояга қарши — ғоя, жаҳолатга қарши — маърифатни қурол қилиб, қатъият билан иш олиб боришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз 25 йил давомида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган, халқимиз қалбида акс садо топган даъват, аввало, доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор, десам, янглишмаган бўламан.

Мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир ва таҳликали, озгина учқун чиқса, бутун республика ловуллаб ёниб кетадиган ўта хатарли ва қалтис вазият вужудга келганини эсга олайлик. Йигирма миллиондан ортиқ халқимизни боқиш учун омборларимизда бор-йўғи 22 минг тонна ун захираси қолганини, иқтисодий етишмовчилик ва қийинчиликларни, бизни турли фитна ва можаролар гирдобига тортишга қаратилган қўпорувчилик ҳаракатлари, ёвуз мақсадларни кўзлаган террорчилик хуружларини, мухтасар айтганда, халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтаришга бўлган ғаразли уринишларни ва бундай машаққатли синовларни фақатгина мардлик ва матонат, сабр-бардош ва фидокорона меҳнат билан енгиб ўтганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бошимиздан кечирган мана шундай мураккаб тарих сабоқларини одамларга, аввало ёшларимизга етказиш, уларнинг кўзини ҳақиқатга очиб бериш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир.

Бир сўз билан айтганда, биз ёш авлодимизни бошлаган буюк ишларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбияламоқчи бўлсак, ҳеч шубҳасиз, қандай оғир, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтганимиз, дунё ҳамжамияти тан олаётган юксак ютуқ ва марраларимиз тарихимиз солномасида ўчмас из қолдириши, халқимизнинг онгу тафаккурида муҳрланиши, миллий ғоямиз, мафкурамиз асосига айланиши шарт.

Бу вазифани биринчи навбатда ким маҳорат билан амалга ошира олади? Албатта, халқ манфаати, Ватан тақдирини қалбидан, юрагидан ўтказиб яшайдиган сиз, ҳурматли журналист аҳлининг даъваткор сўзи, ибратли фаолияти бу борада ҳал қилувчи ўрин тутади, деб ишонаман.

Эртанги кун ҳақида, энг муҳим ва устувор вазифаларимиз ҳақида гапирганда, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, доимо янги-янги муаммо ва талабларни кун тартибига қўяди.

Шу маънода, бугун биз ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадлар, хусусан, халқимиз ҳаётини янада фаровон ва обод қилиш, дунёдаги энг ривожланган, демократик давлатлар қаторига кириш, халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш бўйича 2030 йилга қадар белгилаб олган дастурларимизни амалга оширишда биз бутун халқимиз қатори сизларга, сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Журналист меҳнатининг нақадар машаққатли ва масъулиятли эканини чуқур англаган инсон сифатида мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг эзгу орзу-интилиш ва ташаббусларингизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ёрдамчим ва маслакдошларим деб билишимни такроран айтмоқчиман.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий ютуқлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам давлат раҳбарлари,
Ҳурматли мажлис иштирокчилари,

Аввало, делегациялар раҳбарларининг ШҲТнинг ўтган даврдаги фаолияти асосий якунлари бўйича билдирган фикрларини қўллаб-қувватлайман. **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганидан буён ўтган 15 йил давомида ҳақли равишда нуфузли халқаро ташкилотлар қаторидан муносиб жой олди, барқарор тараққиёт, тинчликни мустаҳкамлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, минтақавий ва глобал даражада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг таъсирчан омилига айланди.**

Ўтган йиллар мобайнида ШҲТнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини шакллантириш бўйича миқёсига кўра улкан ишлар амалга оширилди, ташкилот таркибига кирадиган давлатлар ўртасида ҳар томонлама тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаш учун мустаҳкам институционал асос яратилди.

Шу билан бирга, биз бугунги кунда ён-атрофимиздаги дунё нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, қарама-қаршилик ва можаролар кучайиб, жаҳон бозорларида беқарорлик ва мавҳумлик сақланиб қолаётганини, алоҳида ташвиш уйғотаётган халқаро терроризм, экстремизм ва тобора ёйилиб, тарқалиб бораётган радикализм кўлами хатарли тус олаётганини яхши англаймиз ва тасаввур қиламиз.

Минг афсуски, ҳозирги вақтда вужудга келаётган халқаро вазиятда **ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ўрнига қарама-қаршилик ва рақобат кучайиб бормоқда. Бундай ҳолатни кўрмаслик, сезмаслик мумкин эмас.**

**Биринчидан.** Юзага келаётган бундай мураккаб шароитда ШҲТнинг Хартияси ва бошқа асосий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган **очиқлик ва ҳеч қандай блокка қўшилмаслик** принципларига қатъий амал қилишимиз ва бундай ёндашувни янада мустаҳкамлашимиз ўта муҳим аҳамиятга эга. Вужудга келаётган минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда бундан кейин ҳам мафкуравий ва қарама-қаршиликка олиб келадиган ёндашувларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш даркор.

**Иккинчидан.** Ҳиндистон ва Покистонни аъзоликка қабул қилиш жараёнининг бошланишида ўз ифодасини топаётган ШҲТга аъзо давлатлар таркибини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган йўлимиз, ҳеч шубҳасиз, ШҲТ ўз фаолиятида янги, янада мураккаб босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Биз барчамиз яхши тушунамизки, айрим давлатларнинг халқаро ва минтақавий тараққиётга доир долзарб масалаларга нисбатан турлича, баъзан бир-бирига мутлақо зид ёндашувлари ҳисобга олинадиган бўлса, биринчи навбатда, **ташкилот кун тартибидаги асосий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда консенсус, яъни, умумий келишувга эришиш оғир ва қийин бўлади.**

Лекин бу борада юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ШҲТ Хартияси ва Тартиб-таомил қоидаларида мустаҳкамлаб қўйилган консенсус принципидан воз кечишни ҳеч қачон англатмаслиги зарур. **Амалда ўзини оқлаган бу принципга сўзсиз риоя этиш ташкилотимиз фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайди, унинг пароканда бўлиб кетиши, «манфаатлар бўйича гуруҳлар» пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган баҳс ва келишмовчиликларни бартараф этади.**

**Учинчидан.** Қўшни Афғонистондаги вазиятга ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу мамлакатда вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ўзаро курашаётган томонлар ўртасидаги тўқнашувларнинг аста-секин чўзилиб бориши сифатида таърифлаш мумкин, агар аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, **бундай беқарорликнинг қўшни мамлакатлар ва минтақаларга ҳам ёйилиб кетишининг жиддий ва реал хавфи мавжуд.**

Афғон муаммосини ҳал этишдан манфаатдор томонларнинг аксарияти бундай вазиятдан чиқишнинг фақат битта йўли борлигини яхши англайди. Яъни, бу йўл **ўзаро кураш олиб бораётган асосий томонлар ўртасида тинчлик ўрнатиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелиги остида сиёсий музокаралар ўтказишдан** иборатдир. Ҳукумат ва «Толибон» каби ўзаро курашаётган кучлар ўртасида музокаралар жараёнини қайта тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада томонлар музокаралар жараёнини бошлаш учун олдиндан бирон-бир шарт қўймаслиги даркор.

Ҳеч шубҳасиз, донор давлатлар ва халқаро институтлар Афғонистонга бу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилаш, энг муҳими, **таълим-тарбия ва маърифат соҳасида ёрдам бериш бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлаши зарур.**

Ўзбекистон, Афғонистон билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлик принципига риоя этган ҳолда, коммуникациялар, жумладан, Афғонистонни ташқи дунё билан боғлайдиган Термиз — Мозори Шариф темир йўл тармоғини қуришга ўз ҳиссасини қўшмоқда, Афғонистонга, хусусан, Кобул шаҳрига электр энергияси етказиб беришни таъминламоқда.

Муҳтарам мажлис қатнашчилари,

Ташкилотнинг дастурий мақсад ва вазифаларига эришишнинг энг муҳим шартларидан бири иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Бизнинг ушбу йўналишдаги умумий вазифамиз **барча давлатларнинг манфаатларига мос келадиган, минтақа учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш,** биринчи навбатда, транспорт коммуникацияси соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутади.

Шу муносабат билан **Ўзбекистон Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган «Буюк ипак йўли иқтисодий йўналиши»ни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.** Мазкур ташаббусни унга жалб қилинган барча томонларнинг умумий ва ўзаро манфаатлари асосида муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Муҳтарам ҳамкасблар,

Сўзимнинг якунида бугунги атрофлича фикр алмашиш ва ҳамкорликдаги самарали ишимиз мамлакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, амалий ва ишончли мулоқотни кенгайтириш имконини беради, деб ишонч билдирмоқчиман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

# Эътибор ва рағбат янги ижодий марраларга чорлайди

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган янги байрамлар, қадрият ва анъаналар шаклланди. Уларнинг орасида 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни алоҳида ўрин тутади.**

Чунки оммавий ахборот воситалари ходимлари — доимо ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшайдиган, жонкуяр журналистлар, режиссёр ва операторлар, нашриёт ва матбаа соҳалари фидойилари меҳнатидан барчамиз деярли ҳар куни баҳраманд бўламиз. Телерадио каналлари, газета ва журналлар, интернет тармоғи орқали уларнинг қизиқарли ва ҳаяжонли материаллари билан танишганда қалбимизда бу олижаноб касб эгаларига нисбатан алоҳида меҳр ва миннатдорлик туйғулари пайдо бўлади. 27 июн санаси ана шу меҳримиз, табрикларимизни билдириш учун имкон берадиган айём сифатида ҳаммамизнинг кўнглимиз, юрагимизга яқин байрамдир.

Бу йилги касб байрамининг Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик шонли санасига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирган бир пайтда ўтаётгани унга янада чуқур мазмун, файзу таровот бағишламоқда.



ЎзА сурати

Шу йил 27 июнда Ўзбек Миллий академик драма театрида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бўлиб ўтган байрам анжуманида ҳам бу фикрлар алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари,ноширлар, матбаачилар, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

↘(4).

# Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир ёрқин намойиши

## 2016 йилнинг 22 июн куни узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва 19,2 километрлик Қамчиқ туннели муддатидан олдин — 32 ойда қуриб битказилди

*Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами шукуҳи билан яшаётган халқимиз, айниқса, «Олтин водий» аҳолиси ушбу улкан бунёдкорлик иншоотининг ишга туширилишини катта мамнунлик билан кутиб олмоқда.* ***ЎзА мухбирлари Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятидан*** *бир гуруҳ юртдошларимизнинг мазкур тарихий воқеа ҳақидаги таассуротлари билан қизиқди.*



ЎзА сурати

***Ботиржон ТЕМИРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехи механиги:***

— Ҳар тонг осойишта ва файзли маҳалламиз бўйлаб қадрдон заводимга йўл олар эканман, меҳнатимиз қадр топаётган, манфаатларимиз устуворлиги таъминланаётган шундай озод юртда, саодатли замонда яшаётганимдан қалбим чексиз ифтихорга тўлади.

Мустақиллик йилларида биз илгари тасаввур ҳам қилолмаган, бугун ўзимизга ғурур бағишлаб, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган юксак марраларга эришаяпмиз. Шубҳасиз, бунинг замирида Мустақиллик деб аталмиш бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат мужассам.

Ўзим ишлайдиган завод фаолиятидан қиёс. Мустақиллик йилларида бу ерда кенг қамровли реконструкция ишлари амалга оширилди: эски технологиялар замонавийсига алмаштирилди. Натижада, нефт маҳсулотлари сифати тубдан яхшиланди, тури кўпайди, жаҳон бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Бугун дунёнинг 20 дан ортиқ давлатига маҳсулотларимиз экспорт қилинмоқда.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннели ишга туширилиши барча юртдошларимиз қатори Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ходимларини ҳам ғоят қувонтирди. Боиси, бу заводимизга ҳам мўмай фойда келтиради. Аввало, хомашёни ташиш харажатлари сезиларли даражада камаяди. Ишлаб чиқариш қуввати кескин ошади. Логистика хизмати сарфи арзонлашади, иқтисодиёт тармоқларидаги жозибадорлик ортади.

Ташиш даврида маҳсулотнинг экологик жиҳатдан тозалиги сақланади. Йўқотиш ва сифат ўзгаришларининг олди олинади. Ҳамкасбларимиз билан тушликдан кейин ўтириб, эринмай ҳисоблаб чиқдик. Қаранг, ҳозирги кунда Қамчиқ довонидан транспорт орқали ташишда 1 тонна маҳсулотнинг таннархи 41 долларга тушаяпти. Темир йўлнинг ишга туширилиши корхонамизнинг бу борадаги харажатларини салкам икки баробар камайтиради. Умуман, йилига 18,1 миллион тонна юкни ташиш мумкин. Ташиш муддати икки баробар камайиб, 8 соатни ташкил этади. Транспорт харажатлари 4 баробар қисқаради...

Дунёнинг бугунги манзарасини диққат билан кузатаётган инсон Аллоҳ назар қилган бундай бетакрор заминда — Ўзбекистонда яшашнинг ўзи улкан бахт эканини чин дилдан ҳис қилади. Мана бундай бунёдкорлик ишлари ғайратимизга ғайрат, умримизга умр қўшади.

***Лолахон МУРОДОВА, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси:***

— Аввало, ўзим бевосита гувоҳ бўлган бир воқеани айтай. Ҳали мустақиллик остонасида эдик. У пайтлари шаҳарга бориш учун қўшни республикаларни айланиб ўтишга тўғри келарди. Юк ташиш нари турсин, ҳатто йўловчиларни ўз манзилига эсон-омон элтиб қўйиш мураккаб масала эди. Шундай кунларнинг бирида пойтахтга бордим. Ҳақиқий йўл азобини кўрдим.

Юк машиналарига тонна-тонна мева-сабзавот ортиб, шаҳарга жўнатардиг-у, ўзимиз уйда «беталафот етиб бордимикан, чегарачилар юкимизни ўтказдимикан?», деган ҳадик билан юрагимизни ҳовучлаб ўтирардик.

Ҳозир йўлда келаётганда шу воқеани ёшларга гапириб берсам, ишонишмади. Аммо бу ҳақиқат. Биз бу кунларга осонлик билан эришганимиз йўқ. Мустақиллик ойдан тушган эмас! Унга етгунча, халқимиз қандай изтироб ва машаққатларни бошидан ўтказмади, дейсиз. Президентимиз Ватанимиз мустақиллигининг илк йилларидаёқ ягона ва яхлит темир йўл тизимини яратиш ғоясини илгари суришининг моҳиятида шу жиҳатлар мужассам!

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг очилиши халқимиз ҳаётида унутилмас тарихий воқеа бўлди. Озод юртнинг фуқароси сифатида ана шу тантанада иштирок этиб, улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзларимга қувонч ёшлари келди.

Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати туфайли бир пайтлар орзу ҳам қилиб бўлмайдиган ютуқларга эришаяпмиз.

Ишлайман, эл-юртга наф келтираман, деган одамга барча шароит яратилган, имкониятлар мўл. Давлатимиз раҳбари фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди.

Хўжалигимизни ташкил қилаётганда унга «Нурли обод» деб ном бердик. Рост-да, агар муборак Истиқлол бўлмаганида, бугунгидек ер эгаси бўлиб, фаровон ҳаёт кечирармидик, элда обрў-эътибор топармидик, ҳар бир кунимиз нурафшон, манзилларимиз, кўнгилларимиз обод бўлармиди?

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг қурилиши биз, фермерларни ҳам ғоят тўлқинлантириб юборди. Бундай улкан қурилишни кўрган инсон шу юрт ривожига ўз ҳиссасини қўшишни истайди.

Қурама тоғининг нақ кўксини ёриб, шундай мўъжиза яратган қурувчиларга тасанно!

Энди биз, фермерлар ўзимиз етиштирган маҳсулотларни ушбу йўл орқали наинки Марказий Осиёга, дунёнинг мана-ман деган мамлакатларига ҳам бамайлихотир етказиб бериш имконига эга бўлдик. Бундан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

***Тожибархон ЙЎЛДОШЕВА, Андижон вилояти Хўжаобод тумани «Бирлашган» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари соҳибаси:***

— Биласиз, 2013 йилнинг апрел ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Сессияда мен ҳам қатнашганман.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизнинг барча соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари ва истиқболдаги вазифаларга тўхталиб, бир янгиликка эътиборимизни қаратди: Ангрен — Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қуришни мўлжалламоқдамиз. Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Насиб этса, 2016 йилда ана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поездда бемалол қатнаш имкониятига эга бўламиз, деди Президентимиз қатъий ишонч билан.

Ўшанда Президентимизнинг бу гапи наинки Андижон, бутун водий аҳлининг кўнглини кўтарди. Бугун ана шу гапларнинг амалдаги исботи, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлганимдан беҳад бахтиёрман.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг Фарғона водийси вилоятлари иқтисодиёти, инфратузилмасини юксалтиришдаги аҳамияти жуда катта. Бу йўл Ўзбекистон аслида қандай буюк давлат экани, халқи қандай қудратга, салоҳиятга эга эканини яна бир бор жаҳон ҳамжамиятига намоён этди. Осиё ва Европани боғловчи кўприк, икки минтақа ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ушбу ноёб объектни аср қурилишларидан бири десак, асло муболаға бўлмайди.

Ушбу ғоя ижодкори, уни амалга оширишга бош-қош бўлган Президентимизнинг зукколигига, билимдон иқтисодчи, узоқни кўра оладиган доно Йўлбошчи эканига яна бир бор тан бердим.

Шуларни айта туриб, Амир Темур бобомизнинг бир даъвати ёдимга тушди: «Агар куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг». Нақадар теран, маъноли фикр. Шундай эмасми?! Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари замирида Соҳибқироннинг ана шу даъвати мужассам, аждодлар яратувчанлиги авлодлар ишида давом этаётир.

***Вонг ЧАО (Хитой), Андижон шаҳридаги «Lemon international» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси бош директори:***

— Тадбиркорман, дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман. Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистонда фаолият юритяпман. Рости, юртингизда тадбиркорлар, айниқса, хорижий инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳити, қатор имтиёзлар яратилгани бизнинг самарали фаолият юритишимизда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзимиздан қиёс. Андижон шаҳрида Хитой инвестицияси асосида ишга туширилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Lemon international» хорижий корхонасида йилига 500 минг дона шим ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишини аср қурилишларидан бири, дейиш мумкин. Биринчи бор Тошкентдан Андижонга Қамчиқ довони орқали автомобилда келганимда менга ушбу тоғ орқали Фарғона водийсига ўтадиган темир йўл қурилмоқда, дейишганида ишонмаган эдим.

Яқинда телевидение орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин иштирокидаги ушбу йўлнинг очилиши ҳақидаги кўрсатувни кўриб, қойил қолдим. Хитойни Марказий Осиё ва Европа билан боғлайдиган ушбу йўл савдо ва иқтисодий алоқалар янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай ноёб ва улкан қурилишни кўриб, Президентингиз раҳнамолигида Ўзбекистон ўз танлаган тараққиёт йўлидан дадил бораётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Умуман, ўзбек халқидек очиқкўнгил, меҳмондўст, меҳнаткаш ва бағрикенг инсонларни кам учратганман. Айниқса, Ўзбекистон ёшларининг юксак салоҳияти, чет тиллари, хусусан, инглиз тилида равон гаплашиши менда катта таассурот қолдирмоқда. Юртингиздаги тинчлик, осойишталик, тўкинликка ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

***Ғанижон ОРТИҚОВ, «Нуроний» жамғармаси Наманган вилояти бўлими бошлиғи, «Дўстлик», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари соҳиби:***

— Мустақиллик Ватанимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона водийсига ҳам ободлик, файз, тароват бахш этди. Буни ҳар қадамда ҳис этиш мумкин.

Наманганга тез-тез меҳмонлар келиб туради. Энди уларни Чодакка олиб чиқаман. Тошкент билан Наманган ўртасидаги «туннел кўприк»ни кўрсатаман. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг очилиш маросимида иштирок этганимни, маросимда хаёлимдан ўтган жайдари фалсафамни фахр билан сўзлаб бераман.

Йўл ўтган манзил тараққиёт, юксалиш сари юз буради. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли бўйида ястанган кенг ҳудудларнинг ривожланишида, шу заминда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг ҳаёти янада обод бўлишида бу муҳим коммуникация воситаси алоҳида ўрин тутади.

Аҳолининг узоғи яқин, оғири енгил бўлади. Темир йўл транспорти тизимида, унинг корхона ва ташкилотларида янги иш ўринлари очилади. Янги темир йўл туфайли мазкур ҳудуд аҳолиси фаровонлиги юксалади, буни ҳар бир оила, ҳар бир инсон ўз ҳаёти мисолида яққол ҳис этади.

Дарвоқе, маросимда бир хорижлик меҳмонга кўзим тушди. Ёнимда ўтирган 20 ёшлар атрофидаги қиз чет тилида бемалол гаплаша олар экан. Унинг ёрдамида хорижлик билан гаплашдим. Лойиҳа ҳужжатлари ва бажарилган ишларни ўрганиш учун атай Германиядан келибди. Шу соҳанинг катта мутахассиси экан. Бажарилган ишларга юксак баҳо берди, қойил қолганини айтди.

Баъзан ўйлаб қоламан. Илгари бинокорликда Наманганнинг бировга кўрсатадиган нимаси бор эди? Бирор меҳмон келса, ўзимизни панага олардик — ўламан саттор, бизга келмасин, деб! Дўппи тор келганда кўзимиз билан ер чизиб қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Бугун-чи? Наинки Наманган, Ўзбекистонимизнинг жамоли кундан кун очилиб, тўлишиб бораяпти. Энди етти иқлимдан меҳмон келмайдими, юртимизнинг кўрку тароватига қойил қолмаса, ҳалиги чет эллик меҳмонга ўхшаб халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига тан бермаса, мен кафил!

Буларнинг ҳаммаси Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган эзгу ишлар самараси.

***Собит НЎЪМОНОВ, Наманган шаҳридаги «Афруз-Камол-Наби» масъулияти чекланган жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори:***

— Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилганини эшитиб, қалбимда шундай ғурур ва ифтихор ҳисси пайдо бўлдики, уни сўз билан ифодалаш қийин. Чунки дунёда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари ҳамон сезилаётган шу кунларда бундай улкан, аср қурилиши мақомидаги лойиҳага қўл уриш ва амалга оширишга унча-мунча давлатнинг журъати етмайди.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити олдидан фойдаланишга топширилиши ва бу икки тарихий воқеанинг бир вақтга тўғри келишида ҳам чуқур рамзий маъно мужассам.

Темир йўл ишга туширилиши туфайли юкларнинг арзон нархларда ташилиши биз тадбиркорларни қувонтиради. Чунки олдинлари Хоразмдан Наманганга 40 тонна юкни 2 юк транспортида олиб келган ва йўл харажатлари учун 10 миллион сўм сарфлаган бўлсак, энди битта вагондаги 40 тонна юкни 1,5 миллион сўмга келтиришимиз мумкин. Бу темир йўлнинг биргина тадбиркорлик субъектига келтирадиган фойдаси, энди уни туман, вилоят, боринг ана мамлакат миқёсида бир ҳисоблаб кўринг-а, эҳ-ҳе, энг зўр математик ҳам чўтлаб беролмайди-ёв!

Энди биз, тадбиркорлар Наманганнинг ўзида туриб юкимизни дунёнинг исталган мамлакатига экспорт қилиш имкониятига эга бўлдик. Бу мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган эзгу ишлар самараларидир. Бинобарин, ниҳоятда қисқа вақтда — атиги 32 ойда шундай улкан иншоотни — 123 километрдан зиёд темир йўлни ва 19 километрдан ортиқ туннелнинг қуриб битказилиши халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир ёрқин намойиши бўлди.

**ЎзА**

ИИВ академиясида







# Дипломлар топширилди

Ички ишлар вазирлиги Академиясида Олий академик курслари тингловчилари ва академия битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Академия бошлиғи, генерал-майор Шавкат Икромов тадбирни очар экан, битирувчилар олган билим ҳамда кўникмаларини юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамиятда барқарорликни таъминлаш йўлида сафарбар этишларига ишонч билдирди.

Якуний давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, диплом ишларини ҳимоя қилган битирувчилар шаънига кўплаб илиқ фикрлар билдирилди. Уларнинг 10 нафарига имтиёзли дипломларни Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Адҳам Аҳмадбоев топширди.

— Бугун академияни муваффақиятли битирдик. Энди фаолиятимизни тўлалигича Ватанимиз тинчлиги, элимиз фаровонлиги учун йўналтиришга астойдил ҳаракат қиламиз, — дейди лейтенент Шоҳинур Жумаев.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси аъзолари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

**Давронбек ОРИПОВ**
**«Ishonch» мухбири.**

*Икром ҲАСАНОВ олган суратлар*

Ким эдигу, ким бўлдик?

# Асрларга татиган йиллар

**Йигирма беш йил. Тарих учун бир зумлик фурсат аслида. Лекин диёримизда ана шу қисқа вақтнинг мазмуни асрларга менгзалади. Бугун ҳаётимизда рўй бераётган янгиланишлар, истиқлол берган имкониятларни мушоҳада қилиб, тараққиёт деган тушунчанинг нақадар кенг маъно касб этишини яхши англаб турибмиз.**

Узоққа бориб ўтирмайлик-да, ўтган йилни ёдга олайлик. Оқдарё тумани ҳудудида, Қорадарёнинг шундоқ биқинида ташландиқ бир гўша бўларди. Ана шу жой бир йилда 450 та намунали уй-жой қурилиб, мўъжизакор масканга айланганди. Бундай таққос ва қиёслар юзлаб, минглаб...

Инсон қадри баланд бўлган юртда яшаяпмиз. Буни ўз ҳаётим мисолида кўп кузатганман. Меҳнат фаолиятимнинг асоси касаба уюшмалари билан бевосита боғлиқ. Жамоат ташкилотининг савобли ишларидаги иштироким мени элга танитди. Мен сизга айтсам, номзодим Олий Мажлис депутатлигига қўйилганида икки-уч кун кўзимга уйқу келмаган. Шундай улуғ мартабага лойиқмиканман, дея кўп ўйлаганман. Сайловда энг кўп овоз тўплаб депутат деган шарафли номга эришдим. Икки муддат депутат сифатида муҳим қарорлар лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашиб, билим ва заковатим, дунёқарашим чархланди.

Баъзан, ким эдиму, ким бўлдим, деган саволни ўз олдимга қўяман. Оддий бир ўқитувчи эдим. Одамлар ишончи мени шу даражага олиб чиқди. Илк дафъа бошланғич касаба уюшма ташкилотига етакчи қилиб сайлаганларида бежиз суюнмаган эканман. Жамоа ишончи мени toblади. Бир умр ана шу ишончни, умидни оқлашни қалб шиоримга айлантириб олдим. Кўпнинг дуоси кўл бўлади, дейишади. Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, халқимизнинг эътибори туфайли, деб ўйлайман.

Бугун бутун дунё ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизга иқрор бўлиб турибди. Бундай шарафга осмони мусаффо, хонадони тинч, онаси-ю болалари шодмон элларгина мушарраф бўлади.

**Мажидхон УСМОНОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси**

# Эътибор ва рағбат янги ижодий марраларга чорлайди

(1).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ў.Мирзаёров, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилояти бўлими раиси Н.Саидов, «Жаҳон адабиёти» журнали ходими С.Алижонова ва бошқалар миллий матбуот соҳасини изчил, босқичма-босқич ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлиги, таъсирчанлигини ошириш масаласи доим давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келаётганини таъкидладилар.

Миллий матбуотимиз вакилларининг мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган ўзгариш ва янгиликларни ҳаммамизга тезкорлик билан етказиш борасидаги шарафли ва машаққатли меҳнатига юксак баҳо берилиб, бугунги шиддатли замонда миллий журналистикамиз олдида турган долзарб вазифалар аниқ кўрсатилгани, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган бундай фикр ва ғоялар нафақат журналистика соҳаси, балки бутун жамиятимиз ривожи учун муҳим аҳамиятга эга экани тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида қайд этилди.

Маълумки, юртимизда мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охирги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Агар мустақилликка қадар Ўзбекистонда 395 та оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлган бўлса, ўтган даврда уларнинг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 тадан зиёдни ташкил этмоқда. 1991 йилгача юртимизда бор-йўғи 1 та телеканал ва 2 та радиоканал фаолият кўрсатар эди, холос. Бугунги кунда биргина Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида 14 та телеканал, 4 та радиоканал ва 12 та ҳудудий телерадиокомпания иш олиб бормоқда. Хусусий теле ва радиоканалларни қўшиб ҳисоблаганда, уларнинг умумий сони қарийб 100 тани ташкил этмоқда.

Анъанавий матбуот воситалари бўлган газета-журналлар, телерадиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илғор медиа тармоқлари, авваламбор, интернет журналистикаси, нодавлат оммавий ахборот воситалари миллий ахборот майдонимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда.

Ҳозирги пайтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли дастурлар амалга оширилмоқда. Кейинги беш йилда бу борадаги кўрсаткич 52 фоиздан 76 фоизга ўсгани ушбу йўналишдаги ишлар жадал суръатларда олиб борилаётганидан дарак беради.

Юртимизда интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг натижасида UZ доменида оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатаётган веб-сайтларнинг сони охирги 5 йилда икки баробар ортиб, 360 дан зиёдни ташкил этгани диққатга сазовордир.

Истиқлол йилларида матбаа корхоналари сони ўн баробардан зиёд кўпайиб, 1 минг 746 тага етгани, бу эса йилига 7 та тилда 45 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этиш имконини бераётгани Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора кучайиб бораётганини кўрсатади.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти» кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мамлакатимизда спортни янада оммалаштиришда фаоллик кўрсатган спорт журналистларига эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Дунё бўйлаб» телеканали катта муҳаррири У.Ҳамроқулов, «Нукус ҳақиқати» газетаси мухбири Н.Мамбетиризаева, «Учитель Узбекистана» газетаси мухбири А.Терехина ва бошқалар миллий матбуот соҳасини изчил ривожлантириш, соҳа ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги-янги ижодий марралар сари руҳлантириш ва уларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбир сўнгида атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков асари асосида Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган «Кузги мактублар» спектакли намойиш этилди.

Шу куни пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун байрам сайли бўлиб ўтди.

**ЎзА**

# Андижонликларнинг шаҳду шижоати

## *тасвирларда акс этмоқда*

**Истиқлол йилларида Андижон вилояти улкан қурилиш майдонига айланди. Ҳар қадамдаги ободлик, янгиланиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, фаровон яшашга интилиш ҳаракатлари юксак бунёдкорлик салоҳиятига эга халқнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришлар ҳосиласи, албатта.**

Андижон вилоят телерадиокомпанияси жамоаси шу жараёнда фаол қатнашаётган эзгу ниятли кишилар, замондошларимизнинг қайноқ фаолиятини, таъбир жоиз бўлса, андижонликларнинг шаҳду шижоатини тасвирга муҳрлаб, қарийб 10 миллиондан зиёд томошабинлар ҳукмига ҳавола этиб келмоқда.

Телерадиокомпания дастлаб иш бошлаган пайтда эфир вақти ҳафтасига бир соат бўлса, эндиликда кунлик кўрсатувлар ўн саккиз соатни ташкил этаётир. Томошабинлар эътиборига 42 йўналишдаги кўрсатувлар ҳавола қилинмоқда. Дастурларда сифат ва мазмун уйғунлигини таъминлаш, эфирни бир-бирини такрорламайдиган мавзулар билан тўлдириш, журналистлардан янгилик топа билиш, ташаббускорлик, катта салоҳият, куч-ғайрат талаб этади. Жумладан, «Ёнимиздаги одамлар», «Диёр бўйлаб», «Ҳаёт гўзал», «Олтин ҳалқа», «Андижон томонларда», «Кун мавзуси», «Дилдаги гаплар», «Очиқ мулоқот» сингари кўрсатувларда бугунги тезкор давр кишиларининг ўй-фикрлари, мустақилликка дахлдорлик туйғуси, жамиятдаги янгиланишларга муносабати таҳлилий жиҳатдан ёркин ифодасини топмоқда.

— Вилоят телевидениеси кўрсатувларини мунтазам кузатиб бораман, — дейди халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгаши депутати Екатерина Смесова. — Дастурларда долзарб масалаларга алоҳида урғу берилмоқда. Телевидениеда кўтарилаётган ижтимоий муаммоларнинг ижобий ечим топаётгани ҳам журналистларнинг демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнида фаол қатнашаётганлиги белгисидир.

— Иш унумдорлиги бевосита яратилган шарт-шароитларга боғлиқ, — дейди телерадиокомпания директори Иброҳимжон Зуфаров. — Республика ҳукумати, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг қўллаб-қувватлаши натижасида компаниямиз тамомила янги қиёфага эга бўлди. Жаҳон андозаларига мос, замонавий русумдаги тележиҳозларга эга студия, олтита янги монтаж хонаси, битта радиостудия, 6 та DVCAM русумли видеокамера сигналларни телемарказга рақамли узатиш имкониятини бермоқда. Кўчма телевизион станция эса муҳим байрам саналари ҳамда катта тадбирларни томошабинга тўғридан-тўғри етказишда қулайликлар туғдирмоқда.

Ўтган йили телерадиокомпания қошидаги Андижон радиосига замонавий узатиш мосламалари ўрнатилди. Натижада, уни Фарғона водийсининг исталган ҳудудида шовқинсиз тинглаш имконияти юзага келди. Эфир вақти 12 соатга, эшиттиришлар сони 44 тага етказилди. Дастурларда хилма-хиллик, бадиий ва мазмун жиҳатдан мукаммалликни кузатиш мумкин.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда журналистлар ўртасида ўтказиладиган нуфузли танловларда телерадиокомпания ходимлари фаол иштирок этадилар. Феруза Сиддиқова, Матлуба Юсупова, Хуршидабону Йўлдошева «Олтин қалам» халқаро танлови совриндори бўлганлиги, 2015 йили МТРК соврини учун ўтказилган танловда радио гуруҳи томонидан тайёрланган ижодий ишнинг «Энг яхши радиоролик» дея эътироф этилгани, Мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган «Энг улуғ, энг азиз» вилоят кўрик-танловида телерадиокомпаниянинг бир неча бор ғолиб бўлганлиги давр билан ҳамнафас жамоанинг меҳнатига берилган муносиб баҳо, албатта.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйини телерадиокомпания қўшалоқ байрам сифатида кутиб олаётир. 1991 йилнинг октябр ойида илк кўрсатув эфирга чиққан эди. Мана шундан буён вилоятдаги шонли ўзгаришлар тасвирларда акс этмоқда.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# Муносиблар тақдирланди

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» V республика анъанавий танлови якуни бўйича ғолиб ва совриндорларни тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.**

Мустақилликнинг 25 йиллигига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида ўтган йиғинда танлов ғолиб ва совриндорлари қаторида ОАВ фаол ходимлари, соҳа фахрийлари қатнашди. Иштирокчиларни ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева қутлади.

Таъкидлаш лозимки, босма ва электрон ОАВ йўналишида ташкил этиб келинаётган мазкур танловни ўтказишдан мақсад истиқлол йилларида инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятлар, бунёдкорлик ишлари, улар натижасида Ватанимиз салоҳияти тобора юксалиб, аҳоли турмуши сифати ва фаровонлиги ортиб бораётганини кенг жамоатчиликка етказишга муносиб ҳисса қўшаётган журналистларни рағбатлантиришдир.

Тадбирда Президентимиз томонидан ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди. Юртимизда инсон манфаати йўлида амалга оширилаётган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган демократик ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда телевидение, радио, матбуот ва бугун жадал ривожланаётган электрон ОАВ ходимлари фаолияти муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари эътибори натижасида оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти йил сайин кучайиб бормоқда. Бугунги кунда республикамизда кўплаб босма ва электрон ОАВлари фаолият кўрсатаётгани фикримиз далилидир.

Жорий йилги танловда 120 нафардан ортиқ ижодкор иштирок этди. Улардан 100 нафарга яқини босма, 20 нафардан ортиғи электрон оммавий ахборот воситалари йўналишида ижод қилаётган журналистлардир. Аҳамиятли томони шундаки, танловда қатнашаётган ижодкорлар ва улар тақдим этаётган материаллар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ижодий ишлар мазмуни ҳам янада кенгроқ мавзуларни қамраб олганини кўриш мумкин. Ушбу ижодий ишларнинг барчаси ҳакамлар ҳайъати томонидан холисона кўриб чиқилиб, ғолиблар ва рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари аниқланди. Босма ва электрон оммавий ахборот воситалари йўналишлари бўйича 1-, 2- ва 3-ўринни қўлга киритган ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан мукофотланди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича 3 тадан рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлган ижодкор тақдирланди.

Тадбир доирасида бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самарасини кенг жамоатчиликка етказишда фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ журналистлар ҳамда фахрий қаламкашлар ҳам касб байрами муносабати билан рағбатлантирилди.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**

*Икром ҲАСАНОВ олган сурат*

## Қутлов

*Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилаётган нуфузли танловлар ғолиблари орасида таҳририятимиз аъзоларининг ҳам борлиги барчамизни бирдек қувонтирди.*

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган **«Йилнинг энг фаол журналисти»** кўрик-танловида таҳририятимизнинг «Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш» бўлими мухбири **Комила Боймуродова** совриндорлар сафидан жой олди.*

*Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан эълон қилинган **«Инсонга наф келтириш — олий бахт»** Республика танловининг Босма оммавий ахборот воситалари йўналишида эса таҳририятнинг Бухоро вилояти бўйича мухбири **Иззатулла Ҳожиев** учинчи ўринга лойиқ топилди.*

*Ҳамкасбларимизни мазкур ютуқлари билан қутлаб, кейинги ишларида муваффақият тилаймиз!*

**Таҳририят**

Реклама

**«Respublika mulk markazi» AJ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошент вилояти Минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасига тегишли, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани ,Навобод қишлоғи, Бошқарма автосаройида сақланаётган «МАЗ 5549» русумли, давлат рақами 10/332 NAA, 1979 йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси — 5 957 000 сўм техник носоз ҳолдаги автотранспорт воситаси такрорий аукцион савдосига қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2016 йил 15 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 13 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2016 йил 15 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 22, 29 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2016 йил 22 июл савдолар учун 20 июл куни соат 18:00; 2016 йил 29 июл савдолар учун 27 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. Тел: 233-28-52. Расмий сайт: www.rmm.uz. Гувоҳнома: 001580.

**Хизматлар лицензияланган.**

**«Universal Auktsion Invest» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2016 йил 28 июл куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, **«Тошкент» халқаро аэропортида жойлашган «Toshkent-Aero»** ихтисослаштирилган божхона комплекси балансидаги 2003 й. и/ч «Тико» русумли, д/р 01 064 ХВА, бошланғич баҳоси — 4 082 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2016 йил 28 июл куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 3 (уч) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банк Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган хужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Мурожаат учун тел: 236-74-67.Гувоҳнома. № 004059.

**Хизматлар лицензияланган.**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги «2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан, жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган режалари ҳамда дастурларига мувофиқ, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик институти бўйича 2016/2017 ўқув йили учун қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга таклиф этади.

| Таълим йўналишларикоди (шифр) | Таълим йўналишлари |
|---|---|
| 5120108 | Филология ва тилларни ўқитиш: хитой тили |
| 5120109 | Филология ва тилларни ўқитиш: араб, форс, турк, уйғур, дарий, пушту тиллари |
| 5120110 | Филология ва тилларни ўқитиш: япон, корейс, ҳинд, урду, индонез, малай, вьетнам тиллари |
| 5120111 | Филология ва тилларни ўқитиш: шарқ мумтоз тиллари |
| 5120200 | Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) |
| 5120300 | Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) |
| 5120700 | Жаҳон сиёсати (минтақалар бўйича) |
| 5120800 | Шарқ фалсафаси ва маданияти |
| 5231001 | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (МДҲ мамлакатлари) |
| 5231002 | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари) |
| 5231003 | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Узоқ Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари) |
| 5231004 | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Хитой Халқ Республикаси) |

| Мутахассисликлар коди (шифри) | Мутахассисликлар |
|---|---|
| 5A120101 | Адабиётшунослик (шарқ тиллари) |
| 5A120102 | Лингвистика (тиллар бўйича) |
| 5A120103 | Мумтоз филология (турлари бўйича) |
| 5A120104 | Матншунослик ва адабий манбашунослик |
| 5A120201 | Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) |
| 5A120302 | Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) |
| 5A120304 | Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича) |
| 5A120701 | Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат |
| 5A120801 | Шарқ фалсафаси ва маданияти |
| 5A231001 | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича): |
| | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (МДҲ мамлакатлари) |
| | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари) |
| | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Узоқ Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари) |
| | Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Хитой Халқ Республикаси) |

**Ҳужжатлар 2016 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 12-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 256-84-76, 233-34-24.**

**Хизматлар лицензияланган.**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2534 от 26 мая 2016 года «О приёме в высшие образовательные учреждения Республики Узбекистан в 2016-2017 учебном году» на основании внедрения новых учебных планов и программ, основанных на современных достижениях мировой науки и передовых педагогических технологий, в целях подготовки высококвалифицированных специалистов приглашает на обучение по следующим направлениям бакалавриатуры и специальностям магистратуры:

| Шифр | Направление образования |
|---|---|
| 5120109 | Филология и обучение языкам: арабский, персидский, турецкий, уйгурский, дари, пушту |
| 5120110 | Филология и обучение языкам: японский, корейский, хинди, урду, индонезийский, малайский, вьетнамский |
| 5120111 | Филология и обучение языкам: классические восточные языки |
| 5120108 | Филология и обучение языкам: китайский язык |
| 5120200 | Теория и практика перевода (по языкам) |
| 5120300 | История (по странам и регионам) |
| 5120500 | Восточная философия и культура |
| 5120700 | Мировая политика (по регионам) |
| 5231000 | Экономика зарубежных стран и страноведение (по странам и регионам) |
| 5231001 | Экономика зарубежных стран и страноведение (страны СНГ) |
| 5231002 | Экономика зарубежных стран и страноведение (страны Ближнего и Среднего Востока) |
| 5231003 | Экономика зарубежных стран и страноведение (страны Дальнего Востока и Юго-Восточной Азии) |
| 5231004 | Экономика зарубежных стран и страноведение (Китайская Народная Республика) |

| Шифр | Специальность магистратуры |
|---|---|
| 5A120101 | Литературоведение (восточные языки) |
| 5A120102 | Лингвистика (по языкам) |
| 5A120103 | Классическая филология (по видам) |
| 5A120104 | Текстология и литературное источниковедение |
| 5A120201 | Сравнительное языкознание, лингвистическое переводоведение(по восточным языкам) |
| 5A120302 | История (по странам и регионам Востока) |
| 5A120304 | Историография, архивное дело, источниковедение и методы исторических исследований (по странам Центральной Азии); |
| 5A120701 | Международные отношения и внешняя политика |
| 5A120801 | Восточная философия и культура |
| 5A231001 | Экономика зарубежных стран и страноведение (по странам и регионам): |
| | Экономика зарубежных стран и страноведение (страны СНГ) |
| | Экономика зарубежных стран и страноведение (страны Ближнего и Среднего Востока) |
| | Экономика зарубежных стран и страноведение (страны Дальнего Востока иЮго-Восточной Азии) |
| | Экономика зарубежных стран и страноведение (Китайская Народная Республика) |

**Документы принимаются с 20 июня по 20 июля 2016 года.**
**Адрес: город Ташкент, Мирабадский район, улица Чехова, дом 12.**
**Телефоны: (0-371) 256-84-76, 233-34-24.**

**Услуги лицензированы.**

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Navoiy** — (+998-93) 313-86-87
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-90) 910-54-05
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** A.Toshev
**Navbatchi:** J.Ergashev
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **23:40**
Topshirildi — **23:50**

1 2 3 5 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 615.
20637 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133